O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 47 (9.086) * 1998 йил 24 апрель, жума * Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар раислари ва котибларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини, масъулиятларини янада ошириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар раислари ва котибларининг маошлари иш ҳақи тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича 1998 йилнинг 1 майидан бошлаб икки разрядга оширилсин. Маошларни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар маҳаллий бюджет ҳисобидан қоплансин.

2. Катта ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида алоҳида обрў-эътиборга эга бўлган кишиларни ижтимоий фаолиятга кенг жалб этиш мақсадида 1998 йилнинг 1 майидан бошлаб фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг нафақадаги раисларига нафақалар тўла миқдорда тўлансин. Нафақаларни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар пенсия жамғармаси ҳисобидан қоплансин.

3. Мазкур масалаларнинг амалга оширилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Молия, Меҳнат ва Ижтимоий таъминот вазирликлари зиммасига юклатилсин.

4. Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган ваколатларини амалга оширишлари учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

— 1998 йилнинг охиригача фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, уларга амалий ёрдам бериш тадбирларини жорий этсинлар;

— маҳаллалар ва фуқаролар йиғинлари самарали фаолият кўрсатишлари учун етарли шарт-шароит яратиб бериб, уларнинг асосий фаолиятини аҳолини ижтимоий-сиёсий ҳаётга кенг жалб этишни таъминлашга, маиший-хўжалик, маданий-маърифий масалаларни ҳал қилишга йўналтирсинлар;

— жойлардаги жамоат ташкилотларининг иш фаолиятларини маҳаллалар билан узвий боғланган ҳолда олиб боришни ташкил қилсинлар.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда шахсан ҳокимларнинг масъул эканликлари таъкидлансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*
*И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 апрель

*1998 — Оила йили*

## БИРИНЧИ ЧОРАКДА НИМАЛАР ҚИЛИНДИ?

***Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 январдаги 45-сонли қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури тўғрисида» қарори қабул қилинган эди. Олти бўлимдан иборат ушбу дастурни шаҳарда бажариш бўйича йилнинг биринчи чорагида талайгина амалий ишлар қилинди.***

Давлат тасарруфидаги ташкилотлар оила саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида 750 кишининг санаторийларда дам олиши учун 22 миллион сўм, парҳез таомларга муҳтож оилаларга 8,5 миллион сўм, уларнинг даволанишлари учун 29,7 миллион сўм, ўзгалар қарамоғига муҳтож кишиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун қарийб 3,5 миллион сўм сарфладилар.

Аҳолининг омонатларини «Индексация» махсус счётлари бўйича индексация қилиш давом этмоқда. Тошкентда йилнинг биринчи чорагида ана шу мақсадга 408 миллион сўм сарфланди.

Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йилнинг биринчи чорагида уларга 62,6 миллион сўм, 16 ёшгача боласи бўлган оилаларга 160,4 миллион сўм, 2 ёшгача бола тарбияси билан шуғулланаётган аёлларга 81,7 миллион сўм маблағ сарфланди. Ногиронларга протез-ортопедия мосламалари олиш учун 608,7 минг сўм сарфланди. Наврўз умумхалқ байрами арафасида ногиронларга 46 та аравача совға қилинди. Фахрийлар учун «Нуронийлар оромгоҳи»да дам олишга қўшимча 106 та йўлланма ажратилди. Чернобиль фожиаси қатнашчиларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Умуман, йилнинг биринчи чорагида Тошкент шаҳри аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш учун 408 миллион сўм сарфланди.

Бундан ташқари кам таъминланган оилаларга давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлар ҳамда турли хайрия жамғармалари томонидан ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Улар томонидан йилнинг биринчи чорагида ёлғиз, ногирон қарияларга ҳамда кам таъминланган оилаларга 50 минг сўмлик бепул дори-дармон, шунингдек 245,7 минг сўмлик кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Кам таъминланган оилаларга Наврўз байрами кунлари сезиларли миқдорда хайрия ёрдами кўрсатилди.

Муҳтож оилалардаги иқтидорли болалар ҳамда етим болаларни чет тили ва компьютерга бепул ўқитиш мақсадида «Тўронусс» мактабини таъминлашга 1,5 миллион сўм, шаҳарда қўшимча тиббий-ижтимоий хоналарнинг очилишига 310 минг сўм сарфланди.

Оила йили дастури доирасида меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Йилнинг биринчи чорагида 3077 фуқаро ишга жойлаштирилди, 407 таси қўшимча касб-ҳунарларга ўқитиш учун юборилди.

Меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган ногиронлар, болали оналар учун шаҳар корхона ва ташкилотлари, маҳаллаларида 1049 та қўшимча иш жойи ташкил этилди. Бу тоифадаги 153 киши ишга жойлаштирилди.

Шаҳарда оила аъзолари турмуш шароитларини яхшилаш мақсадларига (уй-жой, мактаблар, даволаш муассасалари қуриш, газ, водопровод қувурлари ўтказиш, телефон алоқасини ривожлантириш, коммунал хизматлар ва ҳоказолар учун) 2 миллиард 336 миллион сўм ажратилган. Ана шу маблағ ҳисобига Тошкентда йилнинг биринчи чорагида 55,8 минг квадрат метр уй-жой, 5,7 километр узунликда газ тармоғи ўтказилди.

Оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Барча туманларда Оила кодекси лойиҳаси муҳомаси бўлиб ўтди. Корхона ва ташкилотларда эса Меҳнат кодексини тушунтириш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда.

Пойтахтда «Энг ибратли келинчак» шаҳар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Туманларда «Нафосатли келинчак», «Бека», «Отам, онам ва мен — мусиқий оила» кўрик-танловлари ўтказилди. Ўсмирларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган «Шунқорлар» ўйинининг биринчи босқичи якунланди. «Хадра» теннис клубида оилалардаги ака-укалар ўртасида мусобақалар ўтказилди.

Шаҳардаги 57 та корхонада инсон ҳуқуқларига риоя этилиши текшириб чиқилди.

Балоғатга етмаганлар ўртасида қонунбузарликнинг олдини олиш дастури ишлаб чиқилди.

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни аниқлаш, уларнинг шароитини ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида «Оила паспорти» ишлаб чиқилди.

Ҳозир 1998 йилда оила манфаатларини таъминлаш бўйича дастурда кўзда тутилган барча чора-тадбирларни тўла-тўкис бажариш учун ҳамма имкониятлар ишга солинмоқда.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

*Анжуманлар*

## МИЛЛИЙ ДАСТУР АСОСИДА

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, республика Халқ таълими вазирлиги ва Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг ташаббуси билан педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг фаоллар залида «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур талаблари асосида педагогик йўналишдаги илмий тадқиқотларни такомиллаштириш муаммолари» мавзуига бағишланган республика илмий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда янгиланган методологик асосларда педагогик тадқиқотлар олиб боришнинг илмий-ташкилий муаммолари, фундаментал илмий-педагогик тадқиқотларни такомиллаштириш йўллари, педагогик-тарихий тадқиқотларни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари мавзуларида маърузалар тингланди.

*Суннатулла РИЗАЕВ.*



*Абдулла Носиров «Ўзмашсаноат»га қарашли ўраш ва қадоқлаш тажриба-конструкторлик бюросининг илғор ишчиларидан биридир. У ўз касб сирларини ёшларга сидқидиллик билан ўргатмоқда.*
*СУРАТДА: илғор ишчи Абдулла Носиров.*

*Усмон Усмонов олган сурат.*

*Танловлар*

## «САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ»

Маълумки, Қизил Ярим Ой жамияти фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — аҳоли ўртасида тиббий, санитария ва гигиена билимларини тарғиб қилиб, ёшларни инсонпарварлик, меҳр-шафқат руҳида тарбиялаш, аҳолини биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўргатишга қаратилган.

Шу мақсадда мактаблардаги санитария пости аъзолари тиббиёт ходимларининг энг яқин ёрдамчилари сифатида тарбияланмоқдалар.

Юнусобод туманидаги 273-мактабда санитария постлари аъзоларининг «Саломатликнинг ёш дўстлари» туман мусобақалари бўлиб ўтди. Унда туман миқёсида уч босқичда ўтказилган саралаш мусобақаларининг ғолиблари бўлмиш 12 та мактабнинг 6, 7, 8-синф ўқувчилари иштирок этишди. Ўсмир ўқувчилар сафда туриш, рапорт бериш, жароҳатланган, бахтсиз ҳодисалар ва тўсатдан касал бўлган вақтда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уйда беморга қараш, шахсий ва жамоат гигиенаси, юқумли касалликлар ва уларнинг олдини олиш, доривор ўсимликлар ва уларни қўллаш, йўл ҳаракати қоидалари, эркин мавзудаги саҳна кўринишлари бўйича ўз билим-малакаларини намойиш этишди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳисоб-китобларидан сўнг 71 балл тўплаган 273-мактаб ўқувчилари мусобақа ғолиби бўлдилар. Иккинчи ва учинчи ўринлар 80 ва 260-мактаб жамоаларига насиб этди.

Барча ғолиблар туман Қизил Ярим Ой жамиятининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

273-мактаб ўқувчилари шаҳар мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**ЭРТАГА**

***Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар қўмитаси томонидан Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ойнинг 135 йиллиги ҳамда Оила йили муносабати билан «Саломатликнинг ёш дўстлари» шаҳар мусобақасини ўтказади.***

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

*Транспорт*

## ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРДА

***«Тошшаҳарйўловчитранс» ассоциацияси пойтахтимиз аҳолисига намунали транспорт хизмати кўрсатишни йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқда.***

Шаҳримиз аҳолисининг 22-троллейбус йўналишидан фойдаланувчи қисми учун бирмунча қулайликлар яратишга эришилди. Энди бу троллейбус охирги «Зенит» заводи бекатидан Ишчилар шаҳарчасигача ўз йўналишини сақлаб қолган ҳолда, сўнгра Усмон Юсупов, Навоий, Шаҳрисабз, «Ўзбекистон овози», Шастри, Пушкин кўчалари бўйлаб ҳаракат қилади. Шунингдек у «Турон» меҳмонхонаси, Ўрда, «Дуниё» супермаркети, консерватория ва метронинг «Ҳамид Олимжон» бекати бўйлаб Пушкин майдонигача боради.

Бу ўзгаришнинг сабабларидан бири йўналиш бўйлаб қатновчи троллейбуслар фойда келтирмагани ҳолда ишлаётгани бўлса, иккинчи сабаби Юнусободнинг 4, 5, 6, 7-мавзеларида яшовчи аҳолининг талаб ва истаклари қондирилишидир.

Бу йўналишга қўшимча 3 та троллейбус ажратилди.

*Шоҳида БОБОЕВА.*

*Маънавият*

## «МАЪРИФАТ ИСТАР КЎНГИЛ»

Тошкент фармацевтика институти профессор-ўқитувчилар жамоаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ҳаётга тадбиқ этиш борасида кўпгина ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Олий ўқув юртида бўлғуси касб эгаларининг маънавиятга бой инсонлар бўлиб етишишига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Шу жиҳатдан олганда

**ЭРТАГА**

***институтда «Маънавият бўстони» мажмуасининг очилиши ана шу эзгу мақсад йўлида бундан буён амалга ошириладиган ишларда муҳим омил бахш этади.***

— «Маънавият бўстони» мажмуасини очиш борасида кўпгина саъй-ҳаракатлар қилинди, — дейди тарих фанлари номзоди, элшунос олим Билол Аминов. — Бу борада институт раҳбариятидан тортиб ҳар бир мураббий ва талабагача ташаббускорлик кўрсатди. Ана шунинг ўзи институтда маънавият масалаларига муҳим аҳамият берилаётганлигидан дарак беради. Бинобарин, маънавиятсиз келажакнинг ўзи йўқ. Демак шундай экан, олий ўқув юртида иш бошлайдиган «Маънавият бўстони» мажмуаси турли-туман тадбирларнинг ҳақиқий ўчоғига айланади.

Эртага ўтказиладиган «Маърифат истар кўнгил» илмий-амалий тадбири ҳам рангбаранг бўлиб, унда таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъат ва маданият арбобларининг давра суҳбатлари ўтказилади, буюк аждодларимиз қолдирган ҳикматларнинг ёшлар томонидан ўзлаштирилишининг тезкор усуллари ҳақида қизиқарли маърузалар ўқилади.

*(Ўз мухбиримиз)*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОКЕАЛАР, ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Вазирлар Маҳкамаси «Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония Ташқи савдо ташкилоти раиси Тору Тоёшима раҳбарлигидаги делегация аъзолари Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида, Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида бўлдилар. Меҳмонлар Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир Ўткир Султонов билан ҳам учрашдилар.

● Вазирлар Маҳкамасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков раислигида теннис бўйича «Президент кубоги» V халқаро турнирини ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлисида ушбу нуфузли мусобақага пухта тараддуд кўриш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

● Фарғона ва Тошкент вилоятлари деҳқонлари чигит экишни ниҳоясига етказдилар.

● Бугун Тошкентда АҚШнинг жаҳонда машҳур «Пфайзер Инк» кимё-фармацевтика компанияси ваколатхонаси очилди.

● Кеча Мудофаа вазирлигининг нашри — «Ватанпарвар» газетасининг 1000-сони чиқди. Ушбу газета 1992 йил июнидан бери чоп этилиб келинмоқда.

### ЖАҲОНДА

● Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Иттиҳод» газетаси Ливандаги «Ориент пресс» ахборот агентлигининг Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобига тақризини «Ўзбекистон XXI асрга ҳозирланмоқда» сарлавҳаси остида чоп этди.

● Буюк Британия 1996 йил 21 июнда Италиянинг Флоренция шаҳрида Президент Ислом Каримов имзолаган Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ратификация қилган Европа Иттифоқининг саккизинчи давлати бўлди. Ушбу битим Европа Иттифоқига аъзо барча 15 та мамлакат парламентлари томонидан ратификация қилингандан кейин кучга киради.

● Боннда Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Владимир Норов Германия Федератив Республикасининг Президенти Роман Херцогга ишонч ёрлиғини топширди.

● Россия Давлат думасида Президент номзоди Сергей Кириенкони ҳукумат раислигига тасдиқлаш бўйича сўнгги — учинчи марта овоз бериш олдидан кеча бўлиб ўтган коммунистлар партияси пленумида ушбу номзодга қарши овоз бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Россия коммунистлари фракцияси мамлакат парламентининг қуйи палатасида нисбатан кўпчиликни ташкил этиши сабабли бугун ҳукумат раиси тасдиқланмай қолиши, натижада Президент Давлат думасини тарқатиб юбориши мумкин.

● Австрия федерал канцлери Украинада икки кунлик расмий ташриф билан бўлди. Унинг Президент Леонид Кучма ва мамлакатнинг бошқа раҳбарлари билан музокараларида асосан ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

● Бугун Арманистонда 1915 йилги миллий фожиа муносабати билан хотира куни ўтказилмоқда. Ўшанда турк-рус уруши пайтида арманлар сотқинликда айбланиб, яшаб турган жойларидан оммавий кўчирилишлари натижасидаги қирғинда 1,5 миллион киши ҳалок бўлган эди.

● Исроил Бош вазири Бениамин Нетаняху икки кунлик ташриф билан Польшада бўлди. У ушбу мамлакат раҳбарлари билан музокаралар ўтказди, шунингдек иккинчи жаҳон урушида яҳудийларнинг оммавий қириб ташланишига бағишлаб ўтказилган хотира тадбирларида иштирок этди.

● Сўнгги пайтда Сербия — Албания чегарасидаги қуролли тўқнашувлар натижасида кўплаб қурбонлар бўлмоқда. Кечанинг ўзида бу ерда 23 киши ҳалок бўлганлиги маълум қилинди.

● Сербияда ушбу минтақадаги можарони ҳал этишда хорижий мамлакатларнинг иштироки масаласига бағишлаб ўтказилган референдумда дастлабки маълумотларга қараганда овоз бериш ҳуқуқига эга фуқароларнинг 75 фоизи иштирок этган. Референдумда қатнашган ҳар ўн фуқародан тўққизтаси Сербия можаросини ҳал этишда чет эл мамлакатларининг иштирок этишига қарши овоз берди. Бу собиқ Югославиядаги вазиятни янада кескинлаштириб юборишига туртки бўлиши мумкин.

● Шу якшанба куни Туркиянинг Трабзон шаҳрида Туркия, Озарбайжон ва Грузия президентлари Боку — Жейхон йўналиши бўйлаб нефть қувури ўтказиш лойиҳасини муҳокама этадилар.

● Кеча Италиянинг Венеция шаҳрида меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларига бағишланган халқаро анжуман иш бошлади.

● Қувғиндаги шаҳзода Норадом Ранарит икки кун давомида Камбожада бўлди. Расман унинг бу ташрифи Камбожа қироли бўлган отаси Сианук билан учрашиш, деб эълон қилинган бўлсада, аслида у бу ерда шу йил июлда ўтадиган сайлов компаниясини авж олдириш масалаларини муҳокама этди. Отаси Норадом Ранаритни бўлажак сайловларда президентликка номзод қилиб кўрсатган.

● Истамбул мэри Эрдоган ўн ой қамоққа ҳукм қилинди. У миллий ва ирқий адоватни авж олдиришда ҳамда Туркиядаги дунёвий тузумни куч ишлатиб тўнтаришга даъват қилишда айбланди.




**_«Муҳаддислар имоми», «Ҳадис илмининг султони» каби буюк номлар билан аталиб келинаётган Имом ал-Бухорий бизнинг азиз ва мўътабар диёримиздан чиққан IX асрдаги бузургвор олимларимиздан бири саналади._**

Туркистонлик буюк донишмандларимиздан бири, 1998 йилда муборак таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланадиган Ҳазрати Имом ал-Бухорий 810 йилда Бухорои Шарифда таваллуд топган. У ўн ёшидан бошлаб Пайғамбаримизнинг ҳадисларини синчиклаб ўргана бошлаган. 16 ёшидан бошлаб муҳаддислар Абдуллоҳ ибн Муборак ва Вақиъ ибн ал-Жарроҳларнинг ҳадис китобларини мукаммал ёд олган.

16 ёшли Имом ал-Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан ҳаж сафарига боради ва Маккаи Муаззамада қолиб, ҳадислар тўплаш ишига жиддий киришади. 18 ёшида Маккада саҳоба ва тобеъинлар ривоят қилган ҳадисларни тўплаб «Тарих» деган китоб ёзади. Ал-Бухорий янги ҳадислар ахтариб Сурия, Миср, Басра, Бағдод, Куфа, Ҳижоз каби юртларга сафар қилади. Ўша юртлардаги

*Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги олдидан*

# УСТОД БАШОРАТИГА САДОҚАТ

муҳаддислар билан мулоқотларда бўлиб, кўплаб ҳадислар тўплайди ҳамда уларни чуқур таҳлил қилиб, муқояса қилиб «Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ» («Ишончли тўплам») деган қимматбаҳо асарини ёзади.

Ислом оламидаги энг муқаддас маскан Мадинаи Мунавварада Пайғамбаримиз мақбаралари ёнида битилган «Ал-жомеъ ас-Саҳийҳ» («Ишончли тўплам») ёки «Саҳийҳ ал-Бухорий» китоби, дунё муҳаддисларининг бир оғиздан эътироф қилишларича, «Қуръони мажиддан кейин турувчи энг мўътабар исломий манбаъ» ҳисобланади. Ал-Бухорий «Саҳийҳ ал-Бухорий» асаридан ташқари яна йигирмага яқин асарлар ёзган.

Имом ал-Бухорий мусулмон юртларида ҳадисларни ва бошқа исломий илмларни пухта ўрганганидан кейин умрининг охирларида ўз ватани Туркистонга қайтиб келади ва Бухорои Шарифда толиби илмларга дарс бера бошлайди. Бир куни ўша вақтдаги Бухоро амири Холид ибн Аҳмад аз-Зуҳалий Имом ал-Бухорийни саройга келиб бола-чақаларига дарс беришни таклиф қилади. Шунда Имом ал-Бухорий амир таклифларини рад қилиб, «Мен... султону амирлар саройига боролмайман, агар амир жанобларига ва унинг бола-чақаларига илм керак бўлса, уларни уйимга ёки масжидимга юборсин!» деб қатъий жавоб беради. Бундай қулай фурсатдан фойдаланган Имом ал-Бухорийнинг рақиблари фисқи-фасод қилишиб амирни буюк Имомга қарши қилиб қўядилар. Бухоро амири Имомга Бухорони тарк этишни буюради. Бундай аҳволдан хабардор бўлган Самарқанд уламолари атоқли Имомни ўз шаҳарларига даъват қиладилар. Имом ал-Бухорий Самарқандга келаётиб, шаҳарга тахминан 18 чақирим масофадаги Хартанг қишлоғидаги қариндошлари олдида тўхтайди ва ўша қишлоқда қаттиқ бетоб бўлиб, 869 йилнинг 31 август куни буюк муҳаддис олим бу ёруғ оламдан кўз юмади. Бу пайтда Имомнинг ёши ҳижрий ҳисоб билан 13 куни кам олтмиш иккида эди. Унинг муборак жасади Хартанг қишлоғида дафн этилади.

Буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорийнинг Ҳазрати Пайғамбаримизга ғоявий-маънавий жиҳатдан бағоят яқинлигини яққол исботловчи бир мисол — Имом ал-Бухорийнинг болалик пайтида Бухорои Шарифда кўрган бир тушидир. Бухорийшунос олимларимизнинг айтишларига қараганда, Имом ал-Бухорий болалик кезида бир ажойиб туш кўради. Тушида ухлаб ётган Ҳазрати Пайғамбаримизнинг муборак юзларини елпиб ўтирган бўлади. Эрталаб туриб устоди Пайкандий ҳузурига келиб, кўрган тушининг таъбирини ундан сўрайди. Устод Пайкандий доно ва зукко шогирдининг порлоқ келажагини пешбинлик қилиб дейди: «Сен, бўтам, келажакда буюк донишманд бўлиб етишасан, Пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад Мустафо суннатини ва йўл-йўриқларини пок ва мусаффо айлайсан!» Устоди Пайкандийнинг ушбу башорати рост бўлиб чиқади ва Имом ал-Бухорий Пайғамбаримизнинг ҳадисларини ҳар хил носаҳийҳ (нотўғри) унсурлардан тозалаб саҳийҳ (тўғри) ҳадислар яратади. Шунинг учун ҳам бутун Ислом олами бузругвор ватандошимиз Имом ал-Бухорийни ғоят ҳурмат қиладилар ва ниҳоятда эъзозлайдилар.

*Ориф УСМОН,*
*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори.*

*Тадбирлар*

# ЭСДА ҚОЛАДИ

Бу галги тадбир шу билан ўзига хос бўлдики, у бевосита соҳибқирон ҳаёти ва ижоди билан боғланиб кетди. «Биз ким — мулки Турон, Амири Туркистонмиз», деган Темур бобомизнинг хитоблари барчанинг қалбида янада ҳаяжонли, фахрли из қолдирди. Муштарак файзли кечага хонандалар Бахтиёр Ражабов, Пўлатжон Худойберганов ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминовларнинг чиқишлари янада завқ бағишлади.

Шу билан бирга Амир Темур маҳалласидаги кам таъминланган оилаларга тадбир муносабати билан Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан ажратилган совғалар топширилди. Куй-куйга уланиб, давра байрамона тус олди.

— Бу жаннатмакон юртда ўтказилаётган байрам тадбирлари бугунгидек тантанавор ўтмоқда, — деди Собир Раҳимов тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Сожида Обидова. — Бундай байрамлар туманимизнинг барча ташкилот ва идораларида эсда қоларли равишда ўтди.

*Очил ҲАЗРАТОВ.*

*Диллашув*

# АЁЛ ИФФАТИ — ГЎЗАЛЛИКДИР

**_Бу аёлни сиз яхши танийсиз. Унинг мафтункор чеҳраси, ширадор овозини суясиз._**

**_Суҳбатдошим — Ўзбекистон телевидениеси сухандони Дилором УМАРОВА._**



**— Дилором опа, Оила йили муносабати билан бугунги суҳбатимиз ҳам оила, унинг муаммолари, аёл ва эркакнинг оиладаги ўрни ҳақида бўлсин.**

— Оила — бу муқаддас даргоҳ. У катта давлат ичидаги кичик бир давлатдир. Бинобарин, оиланинг тиргакларидан бири аёл, бири эркак ҳисобланади. Менимча оилада эркак бош бўлгани дуруст. Эркак оилани ҳам маънавий, ҳам моддий, ҳам жисмоний томондан ҳимоя қилувчидир. Аёл биринчи навбатда Она, хонадон фариштаси. Эрининг топганини расамади қилиб, жой-жойига қўйиш, борини ошириб, йўғини яшириб, оила тинчлигини ҳозирлаш — аёлнинг вазифаси.

**— Кейинги пайтларда аёллар тадбиркор бўлиб, эркакларга нисбатан кўпроқ пул топадиган бўлиб кетишди...**

— Аёлларимизнинг тижорат билан шуғулланаётганларига келсак, бунда айбни фақат аёлларга қўйиш нотўғри бўлса керак. Аёл тижоратга ўтдими, демак бунга сабаб бор. Умуман, аёл ўзини ҳақиқий аёл деб ҳис қилиши учун унинг ёнида ҳақиқий эркак бўлиши керак.

Бу йил мамлакатимизда Оила йили деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас, чунки ҳамма нарса оиладан бошланади. Инсон тарбияси ҳам. Боланинг тарбиясига қараб оилага баҳо беришади. Фарзандлар нафақат жисмонан, балки маънавий жиҳатдан ҳам баркамол бўлиши шарт. Бунга эса Ота ва Она баббаравар масъулдирлар, деб ўйлайман.

**— Касбингиз ҳақида. Сухандон бўлиш учун қандай фазилатларга эга бўлиш керак?**

— Ҳар бир касбнинг ўз талаблари бўлгани каби бизники ҳам бундан мустасно эмас. Булар — ширали овоз, истарали қиёфа, аниқ талаффуз. Диктор билимли, ўз дунёқараши, услуби, ўз фикр-мулоҳазасига эга бўлмоғи шарт.

Иш юзасидан турли касб эгалари билан суҳбат қуришга тўғри келади. Демак, сиёсатдан ҳам, адабиёт ва санъатдан ҳам, ҳатто қишлоқ хўжалиги соҳасидан ҳам бохабар бўлишимиз зарур. Диктор бўлиш учун масъулиятни чуқур ҳис қилиш, изланувчан ва албатта, бироз актёр бўлиш керак. Лекин энг асосийси, касбни севиш лозим. Умуман, олганда телевидениеда ишлаётган сухандонларга қараб телевидение ишини кузатиб, бизнинг халқимизга, диёримизга баҳо беришади.

**— Сиз нафақат телевидение, балки концерт залларида ҳам катта концерт дастурларини олиб борасиз. Ўзингизнинг ҳам севган санъаткорларингиз борми?**

— Албатта. Мен умуман санъат аҳлини жуда ҳурмат қиламан. Лекин ҳар бир инсоннинг ўз дидига, феълига яқин бўлган, севган санъаткорлари бўлади. Мен учун булар: Насибахон Абдуллаева, Кумушхон Раззоқова, Муяссар Раззоқова, Муножот Йўлчиева, Мансур Тошматов... «Ялла» ансамблига эса ҳурматим ўзгача.

**— Сиз бахтни қандай тушунасиз?**

— Инсон дунёга келар экан, албатта бахтли бўлишни орзу қилади. Яхши касб эгаси бўлиш — бахт, яхши инсон билан турмуш қуриш — бу ҳам бахт, оналик бахти, бекалик бахти... Лекин бундан кўп йиллар олдин чинакам бахт нима эканини аниқ англадим. Бу ота-оналаримизнинг ҳаёт эканлигидир.

**— Сизнингча оила мустаҳкам бўлиши учун нима керак?**

— Ишонч, меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат ва албатта масъулият. Йигит ва қиз Оллоҳ Таолодан тушган никоҳ билан қовушаётган эканлар, албатта бир-бирлари олдидаги чуқур масъулиятни ҳис қилишлари керак.

**— Сиз гўзал аёл деб қандай аёлни айта оласиз?**

— Аёл гўзаллиги ҳақида гапирганда, фақатгина ташқи кўринишни назарда тутмаслик керак. Аёл гўзаллиги, бу унинг ташқи кўриниши билан ички дунёси уйғунлигидир. Аёл қалби поклиги, хушфеъллиги, назокати, вафоси — бу гўзаллик. Аслида гўзалликни мен поклик деб айтгим келади. Шарқ аёлининг гўзаллиги — бу унинг иффатидир.

**— Баъзи бир аёллар гўзаллик — бу кийинишда деб ўйлайдилар. Сиз аёл қандай кийиниши керак деб ўйлайсиз?**

— Менимча, энг аввало, ҳар бир аёл ўз дидига, имкониятига, ёшига қараб кийиниши керак. Аёлнинг кийинишига қараб, у қандай касб эгаси, қандай оиладанлигини билиб олиш мумкин. Энг асосийси, кийим озода, хушбичим бўлиб, аёлга ярашиб туриши керак. Ва ҳамма нарсада бўлгани каби кийинишда ҳам меъёр бўлиши шарт.

**— Оила аъзоларингиз тўғрисида...**

— Оиламиз тўрт кишидан иборат. Турмуш ўртоғим Зуҳриддин ака иқтисодчи, катта қизимиз Севарахон — Жаҳон тиллари университетида, кичиги Элнорахон эса шу университет қошидаги лицейда таъҳсил олмоқдалар.

**— Орзуларингиз?**

— Фарзандларимни бахтли,саодатли кўришни орзу қиламан.

*Суҳбатдош Маъпура НАБИЕВА.*

*Қарор ва ижро*

# СУВНИ ТЕЖАШ МАҚСАДИДА

**_Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил май ойидаёқ уй-жой фонди ва ижтимоий-маданий иншоотларда газ ва сув ҳисоблаш асбобларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Ҳукуматнинг ушбу қарорига мувофиқ янги қурилаётган уйларда ичимлик суви ва газ сарфини ҳисоблаб борадиган ўлчов асбоблари ўрнатила бошланди._**

Ушбу қарор қабул қилинганидан аввал қурилган уйларда эса ичимлик сувидан томорқа ва дарахтларни суғориш, мўътадил иқлим ҳосил қиладиган фаввораchалардан фойдаланиш ҳоллари давом этди. Ваҳоланки, бутун дунёда тобора бебаҳо бўлиб бораётган ичимлик сувининг заҳиралари Ўзбекистонда ҳам чекланган. Ундан тежаб-тергаб фойдаланиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими шу йилнинг март ойида кўп қаватли ва шахсий уйларда ичимлик суви сарфини ҳисоблаш асбобларини ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

— Ушбу қарор билан ичимлик сув сарфини ўлчаш асбобларини ўрнатиш бўйича дастур тасдиқланди, — дейди «Сувсоз» трестининг бошқарувчиси Зокир Солихўжаев. — Унга мувофиқ 1998 йилдан 2002 йилга қадар шаҳарнинг барча 11 та туманидаги турар жойларда ана шундай ўлчов асбоблари ўрнатиб бўлиниши керак. Яъни бу дастур ҳам кўп қаватли, ҳам шахсий 1200 мингтадан кўпроқ уйни қамраб олади. Режага мувофиқ шу йилнинг ўзида ичимлик суви сарфини ҳисоблаш асбоблари 2 мингта шахсий ҳамда 170 га яқин кўп қаватли уйларда ўрнатиб чиқилиши керак. Умуман олганда эса сув ўлчагич асбобларини 2000 йилга қадар барча кўп қаватли уйларда ўрнатиб бўлиш режаланган.

**— Бу жуда катта маблағ талаб этса керак?**

— Ушбу харажатлар дастурда кўзда тутилган. Ичимлик сув сарфини ҳисоблаш асбобларини харид қилиш учун шаҳар ҳокимлиги 50 миллион сўм ажратмоқда. Бугунги кунда биз ана шу асбобларни етказиб берувчилар билан музокаралар олиб бормоқдамиз. Дастурни бажаришнинг биринчи босқичида сув сарфини ҳисоблаш ўлчагичларининг унча катта бўлмаган туркумини харид қилмоқчимиз. Уларнинг асосий қисмини эса бизга сантехника асбоблари заводи ёки «Оникс» акциядорлик жамияти етказиб беради. Бизнинг ҳисоб-китобларга кўра шу йилнинг иккинчи ярмидаёқ уларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши лозим.

Ҳозир эса «Сувсоз» трести томонидан сув сарфини ҳисоблайдиган асбобларни ўрнатиш бўйича ихтисослашган хизмат ташкил этилди. Унга абонент хизмати, туманлар бўйича йўриқчилар ва чилангарлар киради. Олдимизда жуда кенг кўламли иш турибди. Яхши ҳамки анчагина кўп қаватли биноларга ичимлик сув сарфини ҳисоблаб борадиган ўлчагичлар ўрнатилган.

**— Бундай ўлчов асбоблари ўрнатилмаган биноларда қандай иш олиб борилади?**

— Яқин орада уларда мутахассисларимиз бўлади. Бу ерда шуни айтиб ўтиш жоизки, шахсий уй-жойларда сув ўлчаш асбоблари уй эгалари ҳисобига ўрнатилади. Ўрнатиладиган битта ўлчов асбобининг тахминий баҳоси 3,5-4 минг сўм туради. Бундан ташқари уни ўрнатиш учун ҳам маълум миқдорда ҳақ тўланади.

Кўп қаватли уйларда эса сув сарфини ҳисоблаш асбоблари ертўлаларда ўрнатилади. Фойдаланилган сув ва канализация учун ҳақ шу уйда турувчи барча уй эгалари томонидан тенг улушда тўланади. Бундай кўп қаватли уйда турувчи бирор уй эгаси бу тартибда ҳақ тўлашга рози бўлмаса ўз ҳисобига шахсий сув сарфини ўлчаш асбобини ўрнатиши мумкин.

Белгиланган меъёрдан ортиқча ишлатилган сув учун уй эгалари бу сувнинг тўла таннархини тўлайдилар.

**— Шундай экан, бугунги кунда ана шу меъёр миқдори ва сув таннархини айтиб бера олмайсизми?**

— Бир куб метр сувнинг таннархи 1 сўм 70 тийинни ташкил этади. Шаҳарликлар эса ҳозир ишлатилган бир куб метр сув учун 81 тийин тўламоқдалар.

Бугунги кунда жон бошига кунига сув ишлатиш меъёри 330 литрни ташкил этади. Яқингинада эса бу рақам 270 литрни ташкил этарди.

**— Сувдан фойдаланиш меъёрининг бу миқдорда белгиланиши қандай асосланади?**

— Бу меъёрни Коммунал хизмат вазирлигининг «Ташкилотчи» норматив станцияси бизга берган. Демак, меъёр миқдорини белгилаш бизга боғлиқ эмас. Бироқ агар ҳовлиларда мўътадил ҳаво бўлиши мақсадида фаввораchаларда ичимлик сувидан фойдаланилмаса, об-ҳаёт томорқа ва дарахтларни суғоришга ишлатилмаса аҳоли жон бошига сув истеъмол қилиш кунига 250 литрдан ошмайди. Яна бир карра меъёрдан ортиқ ишлатилган сув учун ундан фойдаланувчилар сувнинг тўла таннархини тўлашларини эслатиб қўймоқчиман.

**— Сув сарфини ҳисоблаш ўлчов асбобларини ўрнатиш ихтиёрий бўладими?**

— Худди шундай бўлиши тарафдоримиз. Аммо айрим фуқароларимизнинг бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётган ушбу тадбирга нотўғри муносабатда бўлишлари мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда огоҳлантириб қўймоқчиман: ўлчов асбоблари ўрнатишга қаршилик кўрсатганлар 10 кун муддат ўтгач, ичимлик сув тармоғидан узиб қўйиладилар. Шунинг учун турли тушунмовчиликлар пайдо бўлмаслиги учун ҳамшаҳарларимиздан бу масалага жиддий ёндошишларини ва трестимиз ходимларига олдиларига қўйилган вазифани бажаришга ҳалақит бермасликларини илтимос қилмоқчиман.

# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

**_ТОШКЕНТ ШАҲАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ Жўрабой ҒАЙБУЛЛАЕВ ТАҲРИРИ ОСТИДА_**

САВОЛ: Мен отамдан мерос қолган уйда туғилиб, шу ерда яшаб келардим. Васиятнома ҳужжати ҳам бор. Кўчамиз кенгайтирилиши муносабати билан 8,6 сотих ҳовли-жойимиз бузилиб кетди. Бу уйда жияним тўртта боласи билан пропискада тургани етмагандай Кўктеракда яшайдиган онасини ҳам менга билдирмай уй дафтарига киритишган. Уларнинг пойтахт вилоятида ҳам уйлари бўлишига қарамай 2 хонали уй ва давлат томонидан моддий ёрдам сифатида ажратилган 542 минг сўм маблағнинг 25 фоизи уларга ажратилди. Менга 6 сотихлик ер участкаси берилди. Мен бундан норозиман. Нима қилишим керак?

ЖАВОБ: Даъвогар судга онаси, жияни оиласини кўчириб юбориш тўғрисида асослантириш аризаси билан мурожаат қилиши керак.

Суд фуқаролик-процессуал кодексининг 110-моддасига кўра даъвогар мулкий аҳволидан келиб чиққан ҳолда уни давлат божини тўлашдан озод қилишга ҳақли. 452000 сўм товон пули тўғрисидаги масалани ҳам суд тартибида муҳокама қилиниб, исботланиши учун кўриб чиқилиши керак. Мазкур келишмовчиликни бошқа йўллар билан ҳал қилиш қонунга кўра кўзда тутилмайди.

САВОЛ: Қуриб битказилмаган, яъни фақат пойдевори қурилган уй-жойни олиш-сотиш шартномасини нотариал тартибда расмийлаштириш мумкинми?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 210-моддаси, иккинчи қисмида белгиланган умумий қоидага кўра қурилаётган уй-жой қурилиши тамом бўлгунча ва давлат рўйхатидан ўтказилмагунча маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатисиз бошқа шахсга берилиши мумкин эмас. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1989 йил 5 июнда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат Нотариуслари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида»ги қўлланманинг 57-бандига асосан агарда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли тарзда рухсати олинса, тамом бўлмаган қурилишни (фақат пойдевори мавжуд) бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартномани нотариал тартибда расмийлаштириш мумкин.

Бундай шартномани тасдиқлаш қурилиш тамом бўлган уй-жойга нисбатан қандай ҳужжатлар зарур бўлса, ишлаб чиқариш, уй-жой инспекцияларининг маълумотномасидан ташқари барча ҳужжатлар талаб қилинади.

*Мавлуда МАДАЛИЕВА,*
*Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси халқ хўжалигида ҳуқуқий ишларни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи.*

Тел: 133-99-42

*«Ҳамшира — 98»*

# ФЕРУЗА ФАРҒОНАГА БОРАДИ

**_Алишер Навоий номли ўзбек Давлат академик Катта театри биносида шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, «Камолот» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан анъанавий «Ҳамшира—98» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда туманлар миқёсида бўлиб ўтган шундай мусобақа ғолиблари шаҳар биринчилиги учун беллашдилар._**

Кўрик-танловнинг биринчи шарти «Ташриф қоғози ва шиор» деб аталиб, унда иштирокчилар ўзларини, рамзий белгиларини ва ўзлари меҳнат қилаётган тиббиёт муассасасини таништирдилар. «Амалий кўникмалар» деб номланган иккинчи шартга кўра ҳамширалар беморга ташхис қўйиш, унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича касб-маҳоратларини намойиш этишди. Учинчи шартда ҳам ҳамширалар «Камолот» жамғармаси томонидан кўҳна тарихимиз, миллий қадриятларимиз, бугунги кунимиз, оила мавзуларида тузилган саволларга жавоб бериш тарзида беллашдилар. Тўртинчи шарт бадиий ҳаваскорлик чиқишлари бўлиб, иштирокчилар қўшиқ, рақс, шеър, театрлаштирилган томошалар билан қатнашишди. Кўрик-танлов давомида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган «Ялла» вокал-чолғу ансамбли, Акмал Икромов туманидаги 394-«Ором» болалар боғчасининг тарбияланувчилари ўз санъатлари билан томошабинларни хушнуд этиб туришди.

Кўрик-танловнинг барча шартлари тугагач, ҳакамлар ҳайъати раиси, шаҳар перинатал марказ директори Жаҳонгир Қурбонов ғолибларни эълон қилди. Ҳайъат хулосасига кўра биринчи ўринга Мирзо Улуғбек туманидаги 36-оилавий шифохона ҳамшираси Феруза Мирзабоева, иккинчи ўринга Яккасарой туманидаги 17-оилавий шифохона ҳамшираси Саноат Раҳмонбердиева, учинчи ўринга эса Юнусобод туманидаги 2-юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси Зиёда Мирзаева лойиқ деб топилди.



Ғолибларга Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Малика Зияева, «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими директори Муқаддам Расулова, туманлардаги ҳудудий тиббиёт бирлашмалари вакиллари фахрий ёрлиқлар ва ўз совғаларини топширишди. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг шаҳар бўлими Шайхонтоҳур тумани иштирокчиси, 4-юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси Нилуфар Ҳожимуродовага кўрик-танловнинг энг ёш иштирокчиси сифатида ўз мукофотини тақдим этди. «Ҳамшира—98» кўрик-танловининг республика биринчилиги шу йил май ойининг дастлабки кунларида Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида бўлиб ўтади.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.*

*СУРАТДА: «Ҳамшира—98» кўрик-танловидан лавҳа: ўртада танлов ғолибаси Феруза Мирзабоева.*

*Рашид Ғалиев олган суратлар.*

*— Талабалик пайтида, олий ўқув юртининг кундузги бўлимида ўқиб туриб, ҳали дипломни қўлга олмай давлат идорасида ишлаган одамни, пойтахт театрида саҳна асари қўйилган ёш драматургни эшитганмисиз?..*

*— Асосий иш жойидан бўшамаган одамни бошқа ишга қабул қилиш ҳақида идора бошлиғининг буйруғи чиққан ҳолга дуч келганмисиз?..*

*— Пахта терими пайтида домлалар илтимоси билан тайёрланган қовурма паловни қозони билан «ўғирлатиб» қўйиб хижолатда қолган ва ўз ҳисобидан палов дамлаб берган содда ошпазни кўрганмисиз?..*

*Сезиб турибмиз, азиз муштарий, юқоридаги саволларимизни ўқиб, мийиғида кулиб қўйдингиз. Лекин бундан ҳам антиқа гапларимиз бор. Келинг, энди шу сўзларимизга бир қулоқ тутинг.*

Ҳамкасбларимиз

# ЮРАКДАГИ СЎЗЛАРИМ



Олтмиш йиллик умрининг салкам қирқ йилини матбуотга, ижодга бахшида этган Маҳмуджон Комилжоновнинг умр саҳифаларини варақласангиз, унинг дилкаш суҳбатларига ошно бўлсангиз юқоридаги сингари ажабтовур воқеаларнинг жонли гувоҳига айланасиз-қоласиз.

— Ўшанда қизиқ бўлган, — дея сўз бошлади талабалик пайтида амалий машғулотларни ўташга борган дамларини эслаб Маҳмуджон. — Тошкент Давлат университети филология факультети журналистика бўлимининг 4-курсида таҳсил олардим. Ўқишдан ажралган ҳолда ярим йиллик амалий машғулотларни ўташ учун Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлик» студияси таҳририятига келдим. Бахтимни, омадимни қарангки, эл орасида жуда танилган Алп Жамол, Элбек Мусаев, Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошев, Садир Зиёвиддинов, Маҳкам Маҳамедов сингари адибу санъаткорлар даврасига тушдим. Ёшгина бир талаба сифатида уларнинг суҳбатларини синчковлик ва мароқ билан тинглардим, ижод қилиш жараёнлари билан яқиндан танишиб, «ойнаи жаҳон»га узатиладиган кўрсатувлардан атрофлича хабардор бўлардим...

- 1 -

Суҳбатдошим бироз ўйланиб қолди. Чамаси хаёлини ҳали талабалик пайтидаёқ экран юзини кўрган телевизион миниатюраси эгаллаган эди.

— Бир куни, — деб эслайди Маҳмуджон, — ёзган миниатюрам Элбек Мусаевга ёқиб қолибди. Алп Жамолга кўрсатган эди, раҳматли адибимиз ҳам уни ўқиб қотиб-қотиб кулдилар. Сўнг Эргаш Каримов билан Ҳасан Йўлдошевлар ижросида у экран юзини кўрди. Ўшандаги қувонганларимни айтсангиз...

Дарҳақиқат, журналист бўлиш орзусидаги одамнинг ҳали талабалик чоғидаёқ бир асари қўйилиши нақадар унга катта қувонч келтиришини айтмаса ҳам бўлади. Бинобарин, Маҳмуджон Комилжонов ҳали университетни тугалламай туриб ана шундай ижод севинчларини кўп марта татиб кўришга улгурган эди. Шу-шу унинг журналистик, ёзувчилик фаолияти қанот қоқиб кетди. Маҳмуджондаги ана шу истеъдодни пайқаган Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлик» студияси бош муҳаррири Элбек Мусаев 4-курс талабасини ишга қабул қилиб олишларига бош-қош бўлди. Университетни тугаллаганида унинг ушбу даргоҳдаги иш тажрибаси салкам икки йилга етган эди...

Шундан сўнг Маҳмуджон тақдир тақозоси билан Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида чиқадиган вилоят газетасида ишлади. Университетда бирга ўқиган курсдоши Турсунойга юлдузи юлдузига тўғри келгани боис у билан ҳаётини бир умрга боғлади.

- 2 -

— Бир куни Тошкентдан Ўшга хат келди, — деб эслайди Маҳмуджон. — Хатни «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг муҳаррири, раҳматли Саъдулла ака Кароматов ёзган эдилар. «Менинг «Бир томчи қон» қиссамга ёзган тақризингизни ўқидим, раҳмат. Ижодкор кўринасиз, ижоддан намуналар бўлса бизга юборинг», — деб ёзган эдилар Саъдулла ака. Шу хатдан илҳомланиб иккита ҳангомамни «Оқшом»га юбордим. У газетада босилгач яна Саъдулла акадан хат олдим. Хатда «Оқшом»нинг сиздек ижодкорлар учун эшиги ҳар доим очиқ», деб ёзилган эди. Ана шу бир оғиз илиқ ва самимий сўз мени яна қадрдон шаҳрим Тошкентга чорлади...

Ўшанда 1970 йил эди. Маҳмуджон «Тошкент оқшоми»нинг шаҳар хўжалиги бўлимига ишга келди. Кейин бошқа бўлимларда, таҳририят «юраги» — котибиятда ишлади. Бири-биридан ранг-баранг мавзуларда қалам тебратди. Шаҳар ҳаётининг турли қирраларини қамраб олувчи мақолалар ёзди. Унинг имзоси билан чиққан одоб-ахлоқ мавзуидаги мақолалар, иқтисодиёт ва қурилиш мавзуидаги муаммоли чиқишлар, суд очерклари муштарийларда қизиқиш уйғотар, таҳририят мажлисларида мақталарди. Бинобарин, Маҳмуджоннинг «Оқшом» таҳририятидаги салкам ўттиз йиллик фаолияти давомида ёзган ва муштарийларга манзур бўлган ижод намуналарини санаб адоғига етолмайсиз.

Ҳали биз юқорида Маҳмуджоннинг ёзувчилик фаолияти ҳақида ҳам гапирган эдик. Дарҳақиқат, унинг ҳикоялари, пьесалари, ҳажвиялари, интермедиялари ва ўгирган таржималари завқ-шавқ билан ўқилар ва саҳналарда қўйиларди...

- 3 -

Камина Маҳмуджон Комилжоновни қарийб 40 йилдан буён — Тошкент Давлат университетида ўқиган 60-йиллардан биламан. У билан беш йил мобайнида талабалик йилларида пахта теримига чиққан кезларимиз ҳамон эсимда. Ёш томошабинлар театрида қўйилган «Ёшлик ғурури» саҳна асарининг муаллифи ҳам Маҳмуджон эди. Пахта терими пайтида «ўғирлатиб» қўйилган бир қозон қовурма паловни ҳам Маҳмуджон дамлаган эди. Телевидениедагиларнинг қистови билан асосий иш жойидан бўшамай туриб, у ерга ишга кирган ҳам Маҳмуджон эди....

Маҳмуджоннинг ҳаётидаги бундай ажабтовур ҳикояларни унинг ўзи санъаткорларга хос маҳорат билан (бу фазилат Маҳмуджонга акалари, таниқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, раҳматли Рихсивой Орифжоновдан ўтган) айтиб берганини эшитганингизда кўнглингиз ёришиб ажиб туйғуларга тўлади. Олтмиш йиллик умри давомида нафақат ўзига, балки бошқаларга ҳам завқ берадиган бундай ажойиб дамларга Маҳмуджоннинг ўзи шоҳид. У ўтирган давралар, олиб борган дилкаш суҳбатларни бир кўрган, бир эшитган одам яна уни қўмсайди. Унинг қаламига мансуб пьесалар, ҳикоя, ҳажвиялар, мақолаларни бир ўқиган одам яна ўқисам дейди. Ахир ижодкор учун бундан ортиқ бахт борми! «Тошкент оқшоми» газетаси иқтисодиёт ва қурилиш бўлимининг мудири вазифасида сидқидилдан ишлаб келаётган Маҳмуджон Комилжонов ана шундай бахтга муяссар бўлган истеъдодли қалам соҳибидир.

Азиз дўстим таваллудининг олтмиш йиллиги муносабати билан дилимнинг тўрида сақлаб юрган, ўзим гувоҳ бўлган баъзи воқеаларнигина қаламга олдим. Аслида изҳор этадиган юракдаги сўзларим бисёр. Саломатлик бўлса ажойиб ва дилкаш дўстимиз, аҳил оила сарбони, фарзандларининг меҳрибон отаси ва невараларининг суюкли бобоси, қиров боғлаган сочлари ўзига жуда ярашиқли серқирра ижодкор ҳамкасбимиз Маҳмуджон Комилжонов ҳақидаги бошқа ажабтовур ва қизиқ гапларни унинг етмиш ёшга тўлган кунида айтиш ниятидаман. Ана шу эзгу ниятнинг ушалишига ҳам Яратганнинг ўзи етказсин.

*Солиҳ ЁҚУБОВ.*

- 4 -




## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимига қўшимча равишда ҳамда Ҳамза ва Шайхонтоҳур туманлари нотариал идораларидаги ўрни бўш жойга нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун танлов ўтказилади. Унда қатнашишни истаганлар бир ой муддат ичида Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЎТ ЎЧИРИШ-ТЕХНИКА ОЛИЙ МАКТАБИ**

профессор-ўқитувчилар таркибига фан номзодлари ва докторлари вазифасини эгаллаш учун қуйидаги ихтисосликларга танлов эълон қилади:

— фалсафа, иқтисодиёт назарияси;
— ҳисоблаш техникаси ва программалаштириш;
— автомобиль тайёргарлиги.

**Мактаб манзили: 700017, Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, 23.**
**Телефонлар: 133-84-37, 133-45-07.**

**ЭЪЛОН**

**ҲУРМАТЛИ ТУМАН ФУҚАРОЛАРИ!**

Сизларни 30 апрель куни соат 8.30 дан 14.00 гача Чилонзор тумани меҳнат биржаси томонидан ташкил этилаётган «Бўш ишчи ўринлари, ўқиш жойлари ва вакант лавозимлари» ярмаркасига таклиф қиламиз. Ярмарка «Гагарин» кинотеатрида ўтказилади.

Автобуслар: 2, 34, 80, 94, 181, 182.
Троллейбуслар: 7, 11, 16
МУМ «Чилонзор» бекати.

Тошкент оқшоми

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

***Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.***
***Факс: (3712) 133-29-09.***
***МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-, 208-ХОНАЛАР.***

• Диққат! Озиш ва семиришнинг янги усуллари. Натижасини уч кунда биласиз. Тел: 48-00-35, Уяли: 105-08-75.

• Озишингиз, соғломлашишингиз, юзингиз ва терингизни ёшартиришингиз мумкин. Тел: 49-36-22.

• Мирзо Улуғбек туманидаги «Маҳмудовлар оиласи» хусусий фирмаси тугатилади.
Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Бадиий экспертиза бошқармаси бўлим бошлиғи Мукарамхон Тоджидиновага отаси **Холидин ТОДЖИДИНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар маиший хизмат уюшмаси жамоаси уюшма бўлим мудири **Наримон СУЛТОНОВнинг** бевақт вафот этганлигини қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Назм

## ВИСОЛИНГ ШАЙДОСИМАН

***Сулув десам, сулувлардан аъло ўзинг***
***Ростин айтсам, барнолардан барно ўзинг.***
***Менга сенсиз ҳаёт мубҳам, бемаъно, пуч,***
***Бу дунё ҳеч, менга ажиб дунё ўзинг.***

***Юрсам, турсам, хаёлимда олиб юргум,***
***Қўшиқ қилиб номинг куйга солиб юргум.***
***Васлинг қўмсаб эй дилдорим, кеча-кундуз,***
***Ширин-ширин ўйлар аро ғолиб юргум.***

***Учрашганда ибо ила туришинг соз,***
***Истиғно-ю, ҳаё ила юришинг соз.***
***Кўзинг олиб қочиб мендан, ерга боқиб,***
***Эркаланиб ҳам нозланиб кулишинг соз.***

***Ибо ила туришларинг адосиман,***
***Ҳам солланиб юришларинг адосиман.***
***Не десанг де, сўзим битта, бир умрга,***
***Мен Музаффар висолингнинг шайдосиман.***

## ЎЗИНГМАСМУ?

***Мени мафтун-у лол этган шакаргуфтор ўзингмасму,***
***Навоий куйлаган Гули, гулируҳсор ўзингмасму?***

***Малоҳатда ўзинг танҳо, ҳусн бобида ҳам якто,***
***Сулувлардан сулув барно, гўзал дилдор ўзингмасму?***

***Бир ҳолига Самарқанд-у, Бухорони нисор этган***
***Ва ё Ҳофизни ром этган кўзи хумор ўзингмасму?***

***Қўлингда гул, не ошиқлар чекиб ранжу фиғон бисёр,***
***Висолингга етолмасдан чунон абгор, ўзингмасму?***

***Вужудингдан ёғар ёғду, ёғар андиша-ю ибо,***
***Оразимас фақат билким, қалби баҳор ўзингмасму?***

***Бир қур қиё-қиё боқиб, мени мажнуннавор этган,***
***Музаффар дер, малаксиймо ё танҳо ёр ўзингмасму?***

## ДИЛБАРИМ

***Чаманзорда кўнглим олган гул дилбарим,***
***Гуллар аро гули раъно шул дилбарим.***

***Шамсу қамар рўё менга эй, дўстларим,***
***Севгилим-ла гўзал дунё, шул дилбарим.***

***Бу жаҳонда ҳар кимса ҳам бир бор яшар,***
***Қандингни ур, ўйна, қувна, кул, дилбарим.***

***Унутмагин садоқат-у, вафо расмин,***
***Элга дейман ўзга эмас, шул дилбарим!***

***Ёруғ олам зулумотдир менга агар,***
***Каминага қилса жафо ул дилбарим.***

***Бошим осмон, ердадурман гарчи ўзим,***
***Музаффарга қилса вафо ул дилбарим.***

*Музаффар ТУРОБ.*

Ибратнома

## ҲИКМАТЛАР

• Номус — эр-хотин тотувлигининг қони ва жонидир.

**Д.ФОНВИЗИН.**

• Аёл кишини изтиробга қўйган ҳолда эркак киши бахтли бўлолмайди.

**В.ГЮГО.**

• Болалари бўла туриб зериккан аёл нафратга лойиқдир.

**ЖАН ПОЛЬ.**

• Никоҳ кўп ташвиш туғдиради, аммо никоҳсиз турмушда ҳеч қандай шодлик йўқ.

**С.ЖОНСОН.**

• Аёл эркак зотининг буюк мураббийсидир.

**А. ФРАНС.**

• Одамзотнинг биринчи тарбиячилари оналардир.

**О.ГОЛДЬСМИТ.**

• Ота дунёдан кўз юмганда, болалари учун ота ўрнини босадиган аёлгина чинакам онадир.

**В.ГЁТЕ.**



*Хоразм лапари рақслари билан гўзал.*

*Рустам Шарипов олган сурат-лавҳа.*

Биласизми?

## ЎХШАШ БАЙРАМЛАР

Ҳиндлар тақвимида йилнинг 48 куни байрам. Бу байрам кунлари Ҳиндистонда яшовчи барча миллат ва элатлар учун расмий равишда қабул қилинган. Аммо улардан ташқари ҳам аҳолининг катта-кичик байрамлари бўлиб, улар давлат томонидан қонунлаштирилган. Зотан, ҳиндлар баъзида ҳазиллашиб айтганидек, агар Ҳиндистонда яшовчи барча миллат ва элатлар ўзларининг барча байрамларини нишонлагудек бўлсалар, уларнинг йил давомида ишламасдан байрам қилишларига тўғри келар экан.

Ҳиндистонликларнинг Наврўзга ўхшаган, баҳор ойида нишонланадиган бир неча байрамлари бор. Улар табиатнинг уйғониши билан боғлиқ бўлган, халқ орасида кенг тарқалган ва расмий суратда кенг нишонланадиган байрамлар — «Дивали», «Холи», «Дашера»лардир. Уларнинг мазмун-моҳияти, келиб чиқиш тарихи, нишонланиш усуллари жиҳатидан Наврўз байрамига жуда ўхшаб кетади. Ҳатто шу кунлари тайёрланадиган баъзи таомлар, ўзига хос айрим урф-одатлар ҳам Наврўз маросимларининг худди ўзи.

Британиянинг кельт халқлари 1 февраль авлиё Бригит таваллуди кунини баҳорнинг бошланиши, деб тан олишади. Черков тақвимида кельт мифологиясидаги қадимий тангри, олов ва ҳосилдорлик худоси Бригит ўрнига келган авлиё Бригит қадимий тангри номинигина эмас, балки унинг барча вазифаларини ҳам ўзига мерос қилиб олди. Одамлар ҳосил кам бўлганида ёғин-сочин тилаб, ёнғин чиққанда ҳимоя излаб унга ибодат қилишарди. У никоҳ ва оила ҳимоячиси, аёлларнинг кўзи ёришида мададкор ҳисобланади.

*Иззат АҲМЕДОВ.*

***Ўзбекистонимизнинг ҳар бир қарич ери, қуёшининг ҳар бир зарра нури олтинга тенг эканлиги яна бир бор ўз исботини топмоқда. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Семашко номли саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтида сурункали бронхит касаллиги, ҳатто унинг оғир турларини ҳам қуёш нури билан даволаш мумкинлигини аниқланди.***

Фан

## ҚУЁШ НУРИ САЛОМАТЛИК ХИЗМАТИДА

— Юқорида қайд этиб ўтилган ютуққа институтнинг ўпка касалликлари бўлимида бўлим раҳбари тиббиёт фанлари доктори Гулоро Содиқова бошчилигида олиб борилган илмий изланишлар натижасида эришилди, — дейди илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Шуҳрат Раҳимов. — Бунда касалликни даволаш фақатгина мавсумий бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида биз табиий ва сунъий қуёш нури билан муолажалар ўтказишни йўлга қўйдик. Май-октябрь ойларида даволаш ишлари қуёш нури орқали амалга оширилса, қиш мавсумида «Физика-техника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари билан биргаликда кашф этилган сунъий қуёш нури ҳосил қилувчи аппарат ёрдамида даволаш олиб борилади. Ускуна ток ўтказгичга уланса қуёш нурини беради.

Айни кунларда қуёш нури билан даволаш ўзининг бир неча ижобий томонларини намоён этмоқда. Бир пайтлар шу хасталикни даволаш керак бўлганда алоҳида, ўпка ва бронхлардаги шамоллашга қарши алоҳида, нафас олиш фаолиятини яхшилаш учун яна алоҳида, умуман олганда бемор бир неча хил дори-дармонни истеъмол қилиши керак бўларди. Қуёш нури билан даволаш усулига ўтилгандан сўнг биргина мана шу нур орқали бронхитнинг бир неча турини даволаш имкониятига эга бўлинди. Бронхитнинг бир неча тури бирданига ўз давосини топади. Қуёш нури орқали даволанганда беморга ҳам иссиқлик, ҳам ёруғлик таъсир этади.

Табиатда етти хил қуёш нури мавжуд. Сўнгги пайтларда қуёш нури билан даволаш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида ана шу етти хил қуёш нурининг таъсири, уларнинг хусусиятлари ёруғлик фильтрлар ёрдамида ўрганиляпти. Бундан ташқари қуёш нуридан фойдаланиб, турли хил шамоллаш билан боғлиқ бошқа хасталиклар ҳам даволанмоқда. Булардан бири асаб соҳасининг шамоллаш хасталиги бўлиб, бу касалликни бартараф этишда нурнинг яхши таъсир этиши тиббиёт фанлари доктори Бахтиёр Орифжонов бошчилигида ўрганилди. Ҳозирги пайтда бўғим хасталиги билан оғриган беморларни кўплаб учратиш мумкин. Шу дардни даволашда ҳам қуёш нуридан самарали фойдаланиляпти.

Аёллар жинсий аъзоларининг шамоллашига аксарият бефарқ қарайди. Бироқ айнан шу дард оқибатида бепуштлик келиб чиқади. Бугунга келиб қуёш нуридан фойдаланган ҳолда шамоллаш ва бепуштликни даволаш йўлга қўйилди. Институтда келажакда бу ишларни янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Хусусан «Физика-техника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда қуёш нурини концентрлаштириб, қуёш нури ўтказгичи устида изланиш олиб бориляпти. Бунда қуёш нури бир жойга йиғилиб, ўтказгич орқали хасталик мавжуд бўлган маълум бир нуқтага йўналтирилади.

Дори-дармонларсиз мана шундай қуёш нури, магнит ҳамда лазер нури билан даволашни ҳозирги юзага келаётган экологик танг вазият ҳам тақозо этади. Негаки дориларнинг таркибини кимёвий моддалар ташкил этади. Кимёвий моддалардан таркиб топган дори-дармонлар эса маълум бир миқдорда инсон танасига салбий таъсир этиши мумкин.

*Наргиза ПИРНАЗАРОВА.*

**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ**

